

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ 3 октябрь, жума, 1997 йил Сотувда эркин нархда. № 204 (1721)

АСАКА ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Пахта тайёрлаш йиллик режасини биринчилар қаторида бажарганингиз билан самимий табриклайман.

Сизларнинг бу муваффақиятингиз туманда, энг аввало, ерга ва деҳқон меҳнатига янгича муносабатлар тобора мустаҳкам қарор топаётганидан далолат. Янгиликка, янгича яшашга интилганнинг ҳаммиша юзи ёруғ, ошиғи олчи, жойи эса доимо давранинг олдида бўлади.

Бу ҳаётини ҳақиқатни сиз ўз фидойилигингиз билан яна бир бор исбот этдингиз. Замоनावий технологияни жорий этиш, агротехника қоидаларига жиддий эътибор, чигитни плёнка остига экиш тажрибаси, эртапишар уруғ навларини яратиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш туфайли туман пахтакорлари бир неча йилдан буён пешқадамлар сафидан ўрин олиб келишмоқда.

Сизларнинг ҳосилдорликни 40 центнерга етказишдек покиза ниятингиз замирида замонамизга хос меҳнат самараларидан манфатдорлик ва қатъий ишонч мужассам.

Саъий ҳаракатларингизга барака, ўзингизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик тилайман.

Сизларга ҳаммиша омад ёр бўлсин!
Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
Р. М. ҚОСИМЖОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
Ватанимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Машрукович Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.
Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 октябрь.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ЁШ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР



Мамлакатимизда иқридорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Ватан шарафини жаҳонга ёйётган ёш спортчилар ҳам шулар сирасига кириди. Президент Ислом Каримовнинг Фармонида биноан ёш шахматчи Рустам Қосимжонов «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. У бу мукофотта шахмат бўйича халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритгани, кўпгина жаҳон ва қитъа биринчиларида Ватанимиз шарафини муваффақият билан ҳимоя қилгани учун сазовор бўлди. Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди ва ёш спорт-

чига юксак мукофотни топширди.
Президентимиз 1994 йилда Рустамга компьютер ҳада этган эди. Шахматчининг спортдаги янги улкан ютуқлари инноватга олиниб, у янада мукамал компьютер билан мукофотланди. Йулбошчимизнинг бу туҳфасини Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев топширди.
Маросимда Р. Қосимжонов сўзга чиқиб, унинг спортдаги муваффақиятлари юксак қадрланаётгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ватанимиз шарафини янада юксалтиришга ўзининг бор куч-ғайратини сарфлайман, деб ишонтирди.
Тантанали маросимда Миллий Олимпия қўмитаси раиси С. Рузиев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов қатнашди.
(ЎЗА)
А. РИСКЎЕВ
олган сурат.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА
Ассалому алайкум!
Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Мен бугун ниҳоятда хурсандман. Хурсандлигимни Сиз билан — менга илк бор ҳомийлик қилиб, оқ фотиҳа берган азиз зот билан баҳам қўришни истайман. Қувончимнинг сабаби, аввало, Сизга берган ваъдани бажара олганлигимдир. Халқаро шахмат федерациясининг 68-Конгрессида менга «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвони берилганлиги ҳақида хушхабар келди.
1994 йилда биринчи марта ўмирлар ўртасида Осие чемпиони бўлганимда, менга маҳоратингизни оширгин, деб компьютер тақдим қилган эдингиз. Шундан мен спорт усталигига номзод эдим. Совғангиздан ҳаяжонга тушиб, Худо хоҳласа, «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвонини оламан, дея ваъда бергандим. Орадан уч йил ўтди. Шу давр мобайнида мен ўша компьютер ёрдамида буюк шахматчиларнинг ўйин услубларини, тажрибаларини ўрганиб, 1994 йил Венгрияда, 1995 йил Бразилияда бўлиб ўтган ўмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпио-натига икки бор бронза медалини, 1996 йил Макаода 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги Осие чемпионатида 2-ўринни, 1997 йил Бирлашган Араб Амирликларида катта ёшларнинг Осие командалар чемпионатида голибликни, 1996 йил Голландияда, 1997 йил Франциядаги турнирларда шерикликда 1-ўринни, 1997 йил Франциянинг Тулуз шаҳридаги гроссмейстерлар турнирида голибликни ва, ниҳоят, шу йил қардон шахрим Тошкентда катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида чемпионликни қўлга киритдим.
Яна шу давр ичида Тошкент давлат уни-верситетининг математика факультетига ўқишга кирдим. Ҳозир учинчи курсда ўқийман. Инглиз тилини мукамал ўрганишим

ҳамда мураккаб программаларни ўзлаштири-шимда Сиз тақдим этган ўша компьютер яна катта ёрдам беряпти.
Ноқамтарлик бўлса-да, Сизга айтишни лозим топаманки, жаҳоннинг 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчилар ўнгалиги рўйхатида менинг ҳам ўзбекча исми ва азиз Ватаним — Ўзбекистон номлари қайд этилган. Мана энди халқаро гроссмейстерлик унвонини олди. Бу унвонга 18 ёшгача сазовор бўлганлар жаҳон шахмат тарихида 5 киши экан.
Очиги, мустақиллик бўлмаса мен қаерда эдим-у, халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмати сир-асрорларини ўрганиш қаерда эди. Ана шу имкониятни яратганингиз учун, Мустақилликнинг Ватанимизда абадий яшаши учун, муқаллас Ўзбекистон байроғининг жаҳоннинг энг буюк шаҳарлари узра кўтарилмоғи, Мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватимни бағишлайман, деб ўз-ўзимга сўз бердим.
Сиз ҳаммиша, ҳамма ерда ота-боболаримизнинг ким бўлганини ёдда тутинглар, дейсиз. Уларга муносиб авлодлар бўлишни уқтирасиз. Қадимда шахмат санъатининг энг гуллаб-яш-наган ўлкаларидан бири бизнинг Ватанимиз бўлган. Сизнинг спортга, шу жумладан, шахмат ва шахматчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпи-они бўлиш учун курашга қаратмоқчиман. Ис-тардимки, мен туфайли ҳам мустақил Ўзбе-кистон номи дунё бўйлаб яна бир қарра жа-рангласин.
Сизга чексиз миннатдорлик билан ўелин-гиз

Рустам ҚОСИМЖОНОВ.
P.S. Ушбу хатни Сиз совға қилган компьютерда эдим.


Дўстлик шаҳри заринуслари пахта сотиш бўйича 1997 йилги давлат режасини мамлакатда биринчи бўлиб адо этдилар. Бу улкан ғалабада Ю. Шерженов, Ю. Гагарин номли ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг муносиб удуши бор.

Жумладан, Ю.Шерженов номли хўжаликнинг пудрат-чиси Махфура Самандарова (суратда) қўриқ ерда ҳосил-дорликни 45 центнерга етказди. Гагарин номли жамоа хўжалигининг Хушнуд Отажонов бошлиқ бригадаси эса мусобақа соғирдорли бўлди (суратда хўжалик раиси С.Аҳмедов бригада аъзоларига мукофот топшираётган пайт).



«Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги Зариф Мадаминов бошлиқ бригада бу йил 370 тонна ҳосил етиштирди. Қизғи шундаки, барча ҳосил-ни бригаданинг моҳир механизатори Очил Бектурдиев(суратда)нинг ўзи ташиб берди.

Қ. ОТАЕВ олган суратлар.



• БУТУННИНГ ҲИКОЯСИ

— **Кайнонаси суйган одам эканисизлар, бугун механизаторларимиз учун қўй суйган эдик. — деди Сулаймонкул Йўлдошев биз билан ҳол-аҳвол сўрашаркан.**
Кўп ўтмай дастурхонда буғи чиқиб турган тандир нон, қовун-тарвуз, помидор-бодиринг ва беш-олти хил кўкрат пай-до бўлди.
— **Бу ноз-неъматларнинг ҳаммаси ўзимиздан чиққан, бемалол олиб ўтиринглар. — Сулаймонкул ака мийғида кулганча манзират кўрсатди.**
Гурун пахта ва бугдой, чорва ва полиз, бугун ва эрта, даромад ва буромал тўғрисида кетди.

шавкати ҳам, бугунги кунини эртаси ҳам мана шу одамларнинг меҳнатига боғлиқ. «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси раиси Бахриддин Нуриддинов шундай кишилардан бири — Сулаймонкул Йўлдошев ҳақида «Агар бу чўлда ўн нафар қаловини топиб қор ёндирилган деҳқон бўлса, биттаси мана шу йилгити», деган гапни айтди.

нинг маззаси ва мўлтиги ҳар кунги ҳаракатимизга боғлиқ. Чўлда одамлар даромад қилишни, оила тебратишни, катта-катта тўйлар қилишни кўнглига тугиб яшашди. Бунинг учун эса қўлдаги соатига қараб эмас, балки кўнглига қўлоқ тутиб, кетмон уришга тўғри келади. Ана сизга ютуқларимизнинг бош сабаби! Қаранг, 42 нафар одамнинг қилинибди.
... Сентябрь адоғида чўл ҳавоси сўйиллашиб кетди. Юзингизни мезонлар қитқ-лайди. Боғларда етилиб пишган анюлар «тирс-тирс» ёри-лади. Ишқомдаги барглар ора-сидан ҳасайинио ҳусайинлар шўх мўралаб, «ассалом» қили-шади. Тонгда қуёш қизариб чиқди. Шомда офтоб қизариб боғди. Ут-ўланлар ичига яширинган беланалар басма-басига сайрайди.
Бу чўл кузининг шойрона кўринишидир.
Кейин совуқ шамоллар бошланади. Кейин аччиқ изғиринлар гувилайди. Ана ундан сўнг қиличчи ялан-ғочлаб қиш келади. Гагира-ман, ёзмаман, деган одамга гап кўп. Бу чўлда саратон қуёшига елкасини тоблаб, қиш изғиринига юзбни тугиб юрган Сулаймонкул Йўлдошев ва унинг сафдошларига ўхшаган одамлар юзлаб, минглабдир.
Уларнинг қадок қўллари, серезон юзларига боқиб, мин-нат туйғуларини илғамасиз. Улар, мисоли юлдуз нури ёритган сўқмоқларда юрган кишилардек, ўз меҳнатларидан масрур яшайдилар. Улар, на-заримизда, бир нарсани чуқур аниқлаб етишган. Чўлни яшна-тадиган, унинг жамолини яна-да гул-гул қилиб очадиган на-рса — меҳнатдир. Ана шу меҳнат туфайли сизу бизнинг дастурхонимиз файзли, турму-шимиз эса ой сайин фарон-ликка юз тугиб бормоқда.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНТЕГРАЦИЯ РИВОЖИ

2 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институтини «Марказий Осие: тараққиёт истиқболлари ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув» мавзусида халқаро конференция бошланди. Марказий Осие мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш ва уларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни жадаллашти-риш масалалари ҳамда бу борадда долзарб му-аммоларга бағишлаб, Япониянинг Сасакава тинч-лик жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этил-ган ушбу анжуманини институт директори М. Раҳмонкулов очди.
Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев ҳамда Сасакава тинчлик жамғармасининг сибастчилар, иқтисодчилар ва бошқарувчилар учун тузилган тадқиқот ва ўқув дастури раҳбари Т. Ширасу сўзга чиқди.
Анжуманда Марказий Осиедаги янги мустақил давлатларнинг иқтисодий тараққиётида ўзаро ҳамкор-ликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга экани, мазкур анжуман эса минтақа давлатларининг иқтисодий аҳволини ҳамда интеграция жараёнларини фаоллашти-риш йўлида юзага келаятган

бий Корея, Малайзия, Рос-сия каби мамлакатлардан келган қатнашчиларда кат-та қизиқиш уйғотди. Шу боис, Марказий Осие минтақаси мамлакатлари ҳақидаги ҳар бир ҳисобот қизиқарли баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмашув ва очиқ мулоқотлар билан да-вом этди.
Анжуманда Марказий Осиедаги иқтисодий исло-хотларнинг ўзига хос ан-яна ва хусусиятлари ҳақида баҳс юритилган экан, Мар-казий Осиедаги юксак иқтисодий тараққиётнинг минтақавий интеграция қай даражада фаоллашгани ҳамда бу ердаги вазиятнинг боғлақдорлигига бевосита баҳолик экани эътироф эти-либ, бу хусусда фақатгина ҳамжihatликда қилинган сая-ҳаракатлар самарали натижалар бериши мумкин-лиги таъкидланди.
Халқаро конференция бу-гун ўз ишини давом эттира-ди.
(ЎЗА)

ЮЛДУЗ НУРИДАН ЧАРОҒОН ДАЛА

«Сайхун» деҳқон хўжалиги ой сайин, йил сайин қаддини ростлаб бораётган иқтисодий меҳнат аҳли эса мана, беш йилдирки, пахтаю бугдойдан юқори ҳосил етиштириб ке-ляпти.
«Сайхун»нинг 240 гектар майдони бор. Унинг 120 гек-тари бугдой, 90 гектари пахта, 26 гектари беда, 4 гектари эса полиз экинларидан иборат. Мирзачўлда нима кўп — ер кўп. Лекин бу воҳода бир йил, янги йил ишлаб, хайр-хўшин насия қилувчилар ҳам кўп. Айрим «учарлар» хўжалик раҳбари билан ими-жимидла келишиб, гектар-гектар ерлар-га қовун-тарвуз, лиёз экиб, чўнтакни қаплайтиради-да, қорасини ҳам кўрсатмай кета-ди. Бу билан мен Мирзачўлда туپ кўйиб, палак ёганлар ҳам кам, демокчи эмасман. Нон-ни пешона тери эвазига топаётган қўли қадок инсон-лар, албатта, беҳисоб. Биз баъ-зан улар ҳақида юрагимиздаги бор гапни ёзишга, негадир, истиҳола қиламиз. Ахир Мирзачўл таровати ҳам, унинг

«Сайхун» деҳқон хўжалиги ой сайин, йил сайин қаддини ростлаб бораётган иқтисодий меҳнат аҳли эса мана, беш йилдирки, пахтаю бугдойдан юқори ҳосил етиштириб ке-ляпти.
«Сайхун»нинг 240 гектар майдони бор. Унинг 120 гек-тари бугдой, 90 гектари пахта, 26 гектари беда, 4 гектари эса полиз экинларидан иборат. Мирзачўлда нима кўп — ер кўп. Лекин бу воҳода бир йил, янги йил ишлаб, хайр-хўшин насия қилувчилар ҳам кўп. Айрим «учарлар» хўжалик раҳбари билан ими-жимидла келишиб, гектар-гектар ерлар-га қовун-тарвуз, лиёз экиб, чўнтакни қаплайтиради-да, қорасини ҳам кўрсатмай кета-ди. Бу билан мен Мирзачўлда туپ кўйиб, палак ёганлар ҳам кам, демокчи эмасман. Нон-ни пешона тери эвазига топаётган қўли қадок инсон-лар, албатта, беҳисоб. Биз баъ-зан улар ҳақида юрагимиздаги бор гапни ёзишга, негадир, истиҳола қиламиз. Ахир Мирзачўл таровати ҳам, унинг

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪТИРОФ

«ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ПАРВОЗИ»

Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилганлиги ҳақидаги жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари тарқатган хабар ханузгача француз матбуоти диққат марказида турибди.

Франциянинг обрўли «Лез» эконо-иқтисодий кундалик газетаси мўн-ри Дени Коноярнинг «Нефть маҳсулотлари: Ўзбекистон чет эллик ҳамкорлари билан ишлашга қатъий қарор қилди» сарлавҳали мақоласини чоп этди.

Муаллиф ўз мақоласини Бухородан куйибди фактларни қайд қилиш билан бошлайди: сийёсий мустақилликка эришганига олти йил бўлиб, Ўзбекистон мустақил-лигининг бошқа тури — иқтисодий мустақиллик ҳам эришди. Бундан буён мамлакат ўзини энергетика ресурслари билан таъминлашга қодир. «Яқинда Марказий Осиёнинг ушбу республикаси ёқили маҳсулотларини асқариб қисмини Қозоғистон ва Россиядан келтири-шиша мажбур эди. Ҳозир эса нефтни қайта ишлашнинг қандайдир 30 фоизга оширишга имкон берилади янги ишга туширилган Бухоро неф-тини қайта ишлаш заводи тўғрисида ўзбекистон чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш борасида ўта муҳим қадамни ташлади» — деб таъкидлайди муаллиф.

Д. Конояр газетонлар эътиборини қуйидаги ҳолатга қаратади: тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриб берилган янги нефтни қайта ишлаш заводи мамлакат иқтисодидаги туб ўзгаришлар дас-турини чинакам амалга оширили-ши бўлди. Муаллиф ТЕКНИП компанияси президенти фикрига асосланиб ётадики, ушбу машур француз компанияси раҳбарини келажакда Ўзбекистонда тўплаган тежрибани қўшни Туркменистон, Озарбайжон ва Марказий Европа мамлакатларида фойдаланишни мўлжалламоқда. Француз журна-листнинг таъкидлашича, Ўзбекистон тараққийоти совет империяси-нинг кулашига қадар мустақам асосга эга бўлган ва бу мамлакат ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга оғишмади. Ўзе-бекистонда япни миллий маҳсулотда-ни пайсаниш бошқа собиқ совет дав-латларига қараганда энг кам дара-жалдир. Энергетика ресурслари

Жура ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Париж.

БИРОДАРЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КУН


Бугун Германия халқи ўз миллий байрами — немислар бирдамлиги кунини кенг чинловмоқда. Бундан роп-па-роса етти йил муқаддам қарийб ярим аср мубоайна бир мамлакатни, иккига бўлган «Темир парда - Берлин девори» кулатилди.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши оқибатида Германия иккига бўлиниб кет-ган эди. Социалистик ҳамяят қуриш йўлини тутган ГДР иқтисодий турмуш даражаси ва иқтисоди ривожланган дав-латларга нисбатан анча орда қолди. Германия Федератив Республикаси эса уруш асоратларидан тезда халос бўлиб-гина қолмай, жаҳоннинг энг тараққий этган, илгор мамлакатларидан бирига айланди. Немис халқининг бирлашиш ораси 1989 йилиннг сўнгги тақри-ми бўлган Берлин деворининг бўзили-ши билан ушланди.

Бу пайта келиб ер юзиде «икки кул-бли дунёда»ги вазият анча юмшаган, жаҳон тинч инқилобий ўзгаришлар дав-рига кирган эди. Бу омиллар эса икки немис давлатининг қўшилишига имкон ҳозирлади. 1990 йилиннг баҳориде ГДР ва ГФР ҳукуматлари томонидан икки шартноманинг имзоланиши ҳамда ГДР халқ палатасининг ГФР таркибига қўши-лиш ҳақида «чиқарган 1990 йил 3-но-ябрь қарори муваффақиятли янл то-лди.

Бу сана бугун немислар тарихига бирдамлик куни сифатида кирди. Маъ-жозий маъноде Европа Фарби ва Шарқда яшовчи биродарлар бир-бир-ларини қўз ёшлари билан қутлади...

Икки Германия республикаси бир-лашиб, ягона Федератив Республика



Ўйчи тумани пахтакорлари ўзлари етиштирган пахта-ни шу ерда қайта ишлаб тола ҳолига келтирмоқдалар. Сабаби бу ерда «Ўйчи» пахта заводи ҳиссодорлик жамаи-ти ишга туширилди. Корхона бу йил 22475 тонна пахта-ни қабул қилиб, 7200 тонна тола ишлаб чиқарди. Бу ерда 4 та пахта қабул қилиш пункти бор. Жами 430 нафар киши меҳнат қилади.

СУРАТЛАРДА: цех оператори Раҳимжон Ҳамроев; А. Мўминов номи жамоа ҳўжалиги термичиси Махсуда Мусабоевнинг терган пахталари бу ерда «олтин»га ай-ланса ажабмас.

Тургунбек МАҲҚАМОВ олган суратлар.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

«Эй одам боласи, кифоя қилгудек ризқинг туриб, ҳаддиндан оширадиган молни истай-сан, озига қаноат қилмайсан, кўпга ҳам тўймайсан, тонг отиб, кўз очаркансан, танинг соғ, оиланг тинч, бир кунлик таоминг бўлса бас, ортиқча бойлик исташни кўй».

Муштакил республика-миз Конституциясининг 31-моддасида виждон эр-кинлиги кафолатланган. Шунга кўра фуқаролар ҳар йили Муқаддас Каъбани таовф қилиш мақсадида «Муборак ҳаж» ва «Умра» сафарига отланадилар. Уларнинг соғ-саломат бо-риб келишлари учун ҳуку-мат томонидан маданий алоқалар ҳам йилдан йилга кенгаймоқ-да. Ўтган йилиннг кўзиде Ўзбекистонда Германия қулари муваффақ бўлиб ўтди. Шу билан бирига Германияда Ўзе-бекистон маданияти қулари ҳам эр-танана билан ўтказилди. Икки халқ ушбу анжуманлар давомида бир-бирининг маданияти ва анъаналари тўғрисида кўпгина қимматли маълумотларга эга бўлдилар. Бундай маданий тадбирлар эса халқларимизни янада яқинлашти-ради.

ОЧКЎЗЛИКНИНГ ИНТИҲОСИ

Шу ўринда вилоят сани-тария-эпидемиология станцияси жамоаси шаъ-нига айтидиган баъзи эъ-тирозларимиз бор. Тўрт йил давом этган фибриб-гарликдан уларнинг беҳа-бар қолганига ишониб бўлмайди. Қолаверса, жи-ноий иш бутун вилоят ми-қёсиде давом этган, яъни ССнинг шахар ва туман-лардаги қуйи тизимлари таъмагирили «операция-»сини амалга оширишда со-биқ бош ҳақимга кўмак-лашган. Бир сўз билан айтганда, жиноятни Н. Ра-ҳимовнинг бир ўзи қилма-ган, бунга унинг кўри қам, имконияти ҳам етмасди. Амалда эса фақат Н. Раҳи-мовнинг ўзи жазоланди. Унга жиноий ишни амалга оширишда ёрдам берган, шифокорлик қасамбегига хиёнат қилган кишилар-чи? Мантиқан олиб қараганда, улар ҳам қилмишларига яраша жамоб беришлари керак эмасми?

Лекин сохта обрў унга шухрат эмас, кулфат ва на-домат келтирди. 1996 йил-да муборак ҳаж сафарига отланган 682 нафар бўлажак ҳожилардан тўпланган 100 минг сўмдан ортиқ нақд пул вилоят ССБ бўлими бошли-ги Исмоил Қозоқов қўлида жамланди. Қозоқов тегишли хужжат бўлмаган бу пуллар кингир йул билан тўпланган-лигини «сеизиб», вилоят про-куратурасига мурожаат қил-ди. Шундай қилиб очкўзлик-нинг йўлига мустаҳкам гов қўйилди. Тергов жараёнида Раҳимов бир қатор вилоят-лар ва хатто Киргизистонга ҳам вакцина сотгани маълум бўлди. Қилини қотқи ёрадиган ҳукук-тартибот ҳодимлари ишни миридан сиригача об-дон ўргандилар. Тошкент, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Андижон шаҳарларидан жи-ноятга алоқадор гувоҳлар чақирилди, 100 нафардан ортиқ ҳожилар сўроқ қилин-ди. Хуллас, Раҳимовнинг айби рад этиб бўлмайди деган далиллар билан ўз исботи-ни топди ва суд ҳукмига кўра у ўн йилга озодликдан мах-рум этилди.

МУХБИР ШАРҲИ: Маъ-лумки, ҳар қандай гайри-

ЗАРУРИЯТ

Жамиятимизда амалга оширилаётган иқти-моий-иқтисодий янгиланишлар мактабдан тор-тиб олий ўқув юртигача бутун таълим тизими-ни ислох қилишни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига қўйди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз-га фақат ўз касбини яхши билибгина қолмай, билими ва кучини ватан бахт-саодати йўлида сарфлашга тайёр турадиган чинакам ватанпар-варлар зарур. Газеталарда шу йил 30 сентябрь кунин эълон қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, шунингдек Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ана шу мақсадга эришишга қаратилган.

Бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сўнгги, тўққизинчи сессиясида қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат-ларни тайёрлашда Олий Мажлис депутати, Марказий Осиёдаги йирик кишлоқ ҳўжалик олий ўқув юрти ҳисобланган Тошкент Аграр университети ректори, профессор Ҳасан Бўриев ҳам иштирок этди. У УГА мухбири билан суҳбатда бу ҳужжатлар қандай амалга ошири-лиши ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон раҳбарияти ўт-казатган бугун ислохотлар сий-сатининг асосий мақсади — халқ фаровонлигини оширишдир. Республика мустақилликка эришган, бунинг учун ҳукукий, иқтисодий ва маънавий замин яратилга бош-ланди. Бироқ, жамиятни қайта қуриш зоридан белгиланган дасту-рни амалга ошириш самарали бўлиши учун мамлакатимиздаги мажбур ишлаб чиқариш кучлари-дан ва мустақиллик тўғрисида юр-туде келган шарт-шароитлардан янада тўлароқ фойдаланиш зарур.

Бу борада жаҳон талабларига мос келадиган юқори малакали кад-рларни тайёрлаш муаммо аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида сўзлаган нутқиде мам-лакатимиздаги таълим тизимининг аҳолининг чуқур таҳлил қили-ли, унинг камчиликларини очиб таш-лаш ва ислох қилиш йўлиларини белгилаб берди. Жўналдан, Пре-зидентимиз ҳар бир давлат, ҳар бир миллат, фақат ўзининг табиий бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан-гина эмас, биринчи навбатда ўз маданияти ва маънавияти билан кучли бўлиши лозимлигини таъ-кидлади. Назаримда, айти шунинг ўзи мажбур таълим тизимини ислох қилишнинг асосий йўна-лишларини белгилаб бериши ло-зим. Ислохотга таълимнинг улқу-сизлигини, мактабдан тортиб олий ўқув юртигача барча босқичлар ўртасида, таълим мазмуни билан таълим-тарбия жараёни ўртасида-ги яқин узвий боғланишни асос қилиб олиш зарур. Биздаги таъ-лим тизими ривожланган давлат-ларда бу соҳада амал қилаётган

Вагон поездан узиб қўйидади ва унинг кучли ҳаяжонланган оқибатида терлаб кетган кузатувчиси тармоқ ички ишлар бўлимига келтирилади. Кузатувчининг айтишича, душанбелик икки киши «юк»ларини олиб кетишни илтимос қилиб, эвазига уч килограммга яқин геронн беришларини, бунни сотса худди эртақлар-дагидек бойиб кетаганини биддиришган.

Нафс баоси, деб шунини айтишди. Ас-луда кузатувчи у қадар камбағал ҳам эмас экан. Вагондаги бир неча йўловчинга йўл паттаси олган, қолган бир юз беш киши эса манзилга етиб борган, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилмоқчи экан.

Дастлабки суриштирув жараёнида кат-та микдордаги гиёҳванд моддалар вагонга депода — таъмирлаш пайтида яширилган-лиги, сўнгра вагон поездага уланганлиги маълум бўлди.

Келишувга мувофиқ, оғуфурушлар самолёт орқали Москвага учадиган ва по-ездин кутиб оладиган, сўнгра «юк»ларини ўзлари билан манзилга ташиб кетмоқчи бўлганлар.

Шуниси ҳайратланарайки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қўшни республикалар орқали олиб ўталадиган юқар-ни назорат қилишни қучайтиришни сўраб, бир неча марта мурожаат қилган. Назор-ат қандай ўрнатилганлиги ҳақида эса юқоридаги воқеадан хулоса чиқарса бўлади.

Раҳмониди ҚОСИМОВ, ИИБ матбуот маркази катта инспектори, милиция майори.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТИ -- МАКТАБДАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГАЧА

Мов Олий Мажлис сессиясидаги нутқиде олий ўқув юртларини бит-тиручиларнинг мақсус билимлари ва умумий тайёрлиги даражаси ҳозирги талабаларга, бозор иқтисо-диёти эҳтиёжларига мос келмас-лигини таъкидлаб ўтди. Сизнинг-ча, юз берган аҳолининг сабаби ни-мада ва уни қандай ўнглаб олиш мумкин?

— Бундай номувофиқликнинг са-баби давлат таълим андозларининг йўқлигида. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари ҳозирча замонавий ус-уллари, техника воситалари билан етарли таъминланмаган, таълим қўлича эски дастурлар асосида олиб боришмоқда. Буларнинг ҳам-маси мутахассислар тайёрлаш сиф-атини таъсир қилади, албатта.

Олий таълим тизимидаги Прези-дентимиз айтган нуқсонлар эса ре-спублика олий мактабидеги ислох қилишнинг асосий йўналишларини кўрсатади. Аммо, энг аввало олий маълумоти мутахассисларни қандай ва қанча касб бўйича тайёрлаш за-

рурлигини, олий ўқув юртларини битиргилар қандай талабларга жа-воб бериши лозимлигини аниқ бел-гилаб олиш керак.

Ўқув юртдан касб ўрганган ро-бот — машиналар эмас, Ватанга садоқатли, халқининг энг яхши анъ-аналари асосида тарбияланган, ўз мамлакатининг юксак аҳолики фу-қаролари етишиб чиқилиши унут-маслик керак. Айтиш қийинки фао-лияти натижаларини олдиндан фараз қила оладиган, деҳшон ва фермер ҳўжалиқлари ташкилотчиларига маслаҳат беришга, уларга бошни-лик қилишга қодир бўлган техно-лог ва ташкилотчи бўлиши керак. Масалан, унинг олдида ҳориий тил-ларни билиш, компьютер техника-си билан ишлаш олий ва бошқа та-лаблар қўйилади. Бундан ташқари, кишлоқ ҳўжалик университетини э-мас, ҳар қандай олий ўқув юртини битирган киши ҳар томонлама ка-мол топан шахс, юксак маданият ва маънавият соҳибини, янги-ча иқтисодий ва экологик тафаккур эга-си бўлиши керак.

— Олий ўқув юртида мутахас-сисларни тайёрлаш даражасининг мактабидеги битирган ўқувчининг билими даражасига боғлиқ

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ОГУ!

ПОЕЗД САРИОСИЁДА ТЎХТАГАНДА...

Кейинги пайтларда гиёҳванд-лик ва нарқобизнесга қарши ку-раш бутун чоралар билан авж олдирилмоқда. Яқинда Сарисийё темир йул бекатида рўй берган воқеа шундан далолатдир.

Тожикистонлик оғуфурушлар Ўзе-бекистон Республикаси орқали МАҲ республикаларига, хусусан, Россия Федера-циясига ниҳоятда катта микдорда гиёҳ-ванд моддалар жўнатишга тайёргарлик кўраётганлари ҳақида тезкор маълумот олинди, — дейди нақдети ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлиги, милиция полковниги М. Қоси-мов. — Миллий хавфсизлик хизмати хо-димлари билан ҳамкорликда бу юкнинг сазмоқчи қисми Душанбе-Москва йўналишидаги поездада олиб ўтилгани мум-кинлигини аниқлашга эришди.

Поезд Сарисийё бекатига етиб келган-да, гумондаги вагонини синчковлик билан кўздан кечира бошладилар. Қулелардан биридаги ёстиқ ичидан сувқозоғга ўрал-ган тўқ жигарранг ва оқ рангли моддалар топилиди. Экспертиза бу топилма инсон насаниннг қушандаси — гиёҳванд модда эканлигини тасдиқлади.

Шу билан тезкор тадбирга хотима яса-са ҳам бўларди. Аммо милиция ходимлари топилма билан қаноатланмадилар. Қўшни қулеларни кўздан кечирини давом эт-тирвердилар. Натияжада бир эмас — тўртта вагоннинг шифтидаги шамоллатиш мосламалари ўрнатилган жойдан юз ки-лограммдан ортиқ қорандор ва 25 кило-грамм ташиб солинган пакетлар олинди.

Сўхбатдош: Анна ИВАНОВА.

САМАРҚАНДДАН САДОЛАР

ҲОМИЙЛАР - САХОВАТПЕШАЛАР

Аслида янги болалар боғчаси, мактабларнинг қуриб, ишга туширилиши оддий ҳол. Лекин Боғишамол туманида фойдаланишга топширилган 121-болалар боғча-ясилсининг бошқалардан фарқи бор. Чунки у гимназия йўналишида фаолият кўрсатади.

Табқидамизнинг яна бир боиси, Шариф бобо, Сартена бозори фирмалари, «Полвон» клуби, «Юлдузлар» кўп тармоқли ёшлар маркази жамоалари болалар масканини жиҳозлашни ўз зиммаларига олдилар.

Саховатпеша ҳомийлар кўпроқ бўлса, баъзи муаммоларимиз камайган бўлармиди?

ТАОТИШЧИДАН - АУДИТГАЧА

Эндигина иқтисодий ҳаётга кириб келган аудит хизматини халқро талаблар даражасига кўтариш учун нима иш қилиш керак? Умуман, аудитнинг нуфузини ошириш мумкинми?

Самарқанддаги савдо институтда бўлиб ўтган халқро семинарда ана шу саволларга аниқ ва асосли жавоблар айтиди. Буюк британиялик «РКГ» аудиторлик фирмаси мутахассиси Дрошуа Ноттенгэм университети профессори Т.Найт бу ҳақда ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

«МАҚАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП»

Филми ижодкорлари «Самарқанд» кинотеатрида томошабинлар билан учрашув ўтказдилар. Боғишамол туман маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мулоқот қизгин ижодий суҳбатга айланди.

КИЧИКЛАРИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Вилот ўқувчи ёшлари техник ижодий маркази қошида фаолият кўрсатаётган авиамодель ва автоқўқураш тўғрисида аъзолари Тошкентда бўлиб ўтган республика мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб қолди.

Гули ЧЕХРА, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ

Мана олтин куз фаслининг дастлабки ойи- сентябрь ҳам ниҳоясига етди. Бу ойда турли соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз спортчилари ҳаётида ҳам унутилмас воқеалар юз берди. Дунёнинг турли бурчақларида мустақил Ўзбекистон байроғи остида мусобақа майдонларига тушган ҳамюртларимиздан юзлаб вакиллар Осие ва жаҳон чемпиони деган фахрли номиларга мушарраф бўлдилар.

Куйида биз барча ишқибозларни ўтган бир ой мобайнида асосий турлар бўйича спортчиларимиз қўлга киритган ютуқларнинг қисқача рўйхати билан таништирамиз.

КАРАТЭ

Чакқонбек ва чапдаст йигитларимиз Англия очиқ чемпионатида муваффақиятли қатнашди. Умумоманда ҳисобида Ўзбекистон иккинчи ўринни олди. Қўлга киритилган медалларимиз эса ўн иккитага етди. Шундан олти таси бронза, тўрттаси кумуш, иккитаси олтиндир.

СУЗИШ

Сув спорти бўйича терма командамиз Осие ва Океания чемпионатида қатнашиб, жами ўн еттита медал билан тақдирланди. Шундан учтаси бронза, олти таси кумуш ва саккизтаси олтин медалдир.

САМБО

Ҳамюртлар ва ёшлар ўртасида Ақтўбинскада ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг ўн саккиз мамлакатидан икки ўз элик нафар спортчи қатнашди. Республикамиз самбочилари унда олтинга, бронза, битта кумуш ва иккита олтин медалга сазовор бўлдилар.

қийшлари мутахассисларнинг олқишларига сабаб бўлди.

АЛЬПИНИЗМ

Юртдошларимиздан бир гуруҳи марказий Тянь-Шань тоғининг етти минг ўн метрлик «Хон Тангри» ва етти минг тўрт ўн ўлтти тўққиз метрлик «Галаба» чўққиларига кўтарилиб, рекорд натижага эришдилар. Улар орасида Рустам Ражабов, Марат Усаев, Павел Петровлар бор.

БОКС

Бокс бўйича бир қатор йигитларимиз Куала-Лампурда ўтказилган 19-Осие чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, учта бронза, тўртта кумуш ва учта олтин медал олишди. Тўққиз Тургунов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайловлар Осие чемпиони деган фахрли унвонга эга бўлишди.

ТЕННИС

6-15 сентябрда ўтказилган, «Президент кубоғи» халқро мусобақасида дунёнинг 21 мамлакатидан йилгилан профессионаллар иштирок этиди. Юртдошларимиздан Олег Огородов, Дмитрий Томашевичларнинг

корта чўқиши муқимларда катта қизиқиш уйғотди. Ғолиблик англиялик теннисчи Тим Хенмента, иккинчи ўрин эса швейцариялик Россияга насиб этди.

ЭРКИН КУРАШ

Бу гал дунёнинг кучли полвонлари жаҳон чемпионатида ўз имкониятларини синаб кўриш учун Россия Федерациясининг Красноярск вилоятида тўпландилар. Ҳамюртлимиз Рамил Исломов 62 кг вазни курашчилар орасида иккинчи (кумуш медал) ўринни олди.

муваффақиятли иштирок этишди. Мусобақа давомида ўзбекистонликлар ҳаммаси бўлиб 32 донга медал олди. Шундан тўққизтаси бронза, ўн биттаси кумуш ва ўн иккитаси олтин медал. Шундай натижа билан ўшбу мусобақада республикамиз спортчилари биринчи ўринни эгалладилар.

ОФИР АТЛЕТИКА

Польшанинг Кошалин шаҳрида фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг 46 мамлакатидан 540

ёшли Камолитдин Паханов мусобақада ҳимоя қилди ва елкага олиб кўтаришда 161 кг натижа билан янги жаҳон рекордини ўрнатди.

II-МАРКАЗИЙ ОСИЕ ҲАМКУРАШИ

Ўзбекистонлик спортчилар шу йилнинг 14-20 сентябрь кунлари Қозғистон Республикасининг Алматы шаҳрида ўтказилган II-Марказий Осие Ҳамкурашида муваффақиятли иштирок этишди.

ВЕЛОСПОРТ

Андрей Тўйчиев 100 айланишда гуруҳ пойгаида биринчи бўлиб маррага етиб қолди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Андрей Абдувалиев, Константин Сарнацкий, Алексей Файзулов, Олег Верзилин, Елена Бургиман, Сергей Вайнов, Олег Вертельников, Уркурашда — Людмила Дмитриева, Гузал Хубева, Елена Квятковская, Любовь Перелова, Виктор Сидоренко, Денис Сорокин, Олег Вирзелин, Алексей Файзулов.

СУЗИШ

Елена Лисицкая, УҚ ОТИШ

Шухрат Аҳмедов, Юлия Шахова, Дмитрий Давидов.

ТЕННИС

Темур Ганиев (яккалик баҳсида), Наталья Никитина, Лилия Бактжоева (жуфтлик баҳсида).

ОФИР АТЛЕТИКА

Виктор Янский, Игорь Халилов.

Кўришиб турибдики, саҳий кузнинг спорт мусобақаларида ўзбекистонликлар қўлга киритган натижалар қувончли. Юқорида номлари эйкр этилган спортчиларнинг эришган ютуқлари эндигина б ёшга қадам қўйган мустақил республикамиз шухратига-шухрат қўйганини аниқ, Демак, Ўзбекистоннинг дунё спортидаги ўрни тобора юқорилаб, мустақамлашиб бормоқда. Кеча ва бугун эришилган ютуқлар эртанги кунимизнинг ишончли пойдеворидир.

Уйғаймизки, йил охирига спортчиларимизнинг муваффақиятлари яна икки, уч хисса ортади. Шунга яраша имкониятимиз ҳам бор.

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН: СЕНТЯБРЬ МЕДАЛАРИ



спортчи иштирок этди. Унда мамлакатимиз шарафини 49

Table with 5 columns: Country, Gold, Silver, Bronze, Total. Rows include Uzbekistan, Kyrgyzstan, Turkmenistan, Tajikistan.

ДЗЮДО

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган халқро мусобақада юртдошларимиз дуруст қатнашиб, битта кумуш, битта бронза медали билан ки-фоландилар.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭ ЭШКАК ЭШИШ

Коренинг Сако шаҳрида бўлиб ўтган Осие чемпионатида республикамиз спортчилари ҳам

САВОБ

ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Республикамизда аҳолининг кам таъминланган табақасига тиббий-ижтимоий томондан кўмак бериш давлат дастури доирасида қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ҳам бу борада ўз вазифаларидан қелиб чиққан ҳолда, хорижий давлатлардан инсонпарварлик ёрдамини жалб этиш ва ўрганиш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда.

ти 600 минг маркалик тиббий кўмагини таъкидлаш жоиз.

Жамиятнинг асосий мақсади ногиронларга, ёлғиз қариюлар, кам таъминланган кўп болали оилаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тиббий ва гигиеник билимларни оширишга қаратилган. Бу борада тиббий-ижтимоий марказлар соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот муассасалари ҳамда тегишли давлат, жамоат ва диний ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий-тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш, рўйхатга олиш, ёрдам кўрсатишни ташкил этмоқдалар.

Бунинг учун Ўзбекистон томони шундай марказлар учун барча талабларга жавоб берадиган биноларни топши, уни малакали кадрлар билан таъминлашни ўз зимма-

ларига олган бўлса, Германия томони Қизил ҳоч жамияти орқали марказга лозим тиббий-техника, асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан ёрдам кўрсатади. Шунинг билан лозимки, ўшбу марказлар фаолият кўрсатаётганидан бунён 8 минг нафар кишига ёрдам берилди. Бундан ташқари, 188 нафар ёлғиз қариюларга ўз хонадонларига хизмат кўрсатиш доимий усули уюштирилди. Шафқат ҳамширалари эса 10 минг хонадонга боришиб, уларга турли кўринишдаги тиббий ва ижтимоий кўмак кўрсатишди. Улар икки ярим минг нафардан ортиқроқ кишининг уйига бепул дори-дармон тарқатдилар.

Маъжур марказлар иши билан танишиш мақсадида Германия федерал Ички ишлар вазирлиги, Қизил ҳоч жамияти, ГФРнинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари бир неча бор бу ерга ташриф буюрди.

Озола МУҲИДИНОВА, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти матбуот марказининг бошлиғи.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти хориждаги тегишли жамиятлар билан мустақам алоқа ўрнатиб, ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Айниқса, жамиятнинг Германия Қизил ҳоч жамияти ўртасидаги алоқалари самарали бўлмоқда. Шу боис, 1993 йилдаёқ ҳамкорликдаги фаолият натижасида Тахтақўйида аҳолини экологик тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг қиймати 5 миллион маркалик сув тозалаш ускунаси

ўрнатилди. Кейинги йилларда эса «Шафқат» миссияси деб ном олган ўзбек-герман жамиятлари ҳам-жаратлиги янада кучайди. Бунга немиш Қизил ҳоч жамиятининг Оролбўйи минтақасига 600 минг маркалик тиббий дори-дармон, асбоб-ускуна, боғлаш материаллари кўринишдаги инсонпарварлик ёрдами, шунингдек, Тошкент, Фарғона, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидаги еттита шифохонага қарийб қийма-

masi СЛМ PAL 8 mm VIDEO CAMERA RECORDER. Image of a video camera.

Видеокамераси VP-K85. 16 карра оптик катталаштирувчи ва рангли видеоизловчи 8 мм.ли видеокамера. ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЮҚОРИ СИФАТЛИ РАНГЛИ ВИДЕОИЗЛОВЧИ. 16 карра оптик катталаштириш. HI-FI Stereo товуш. 5 режимли автоэкспозиция. Махсус рақамли безаклар (электрон ва сунъий ёруғлик филтритининг вазифаси). Титларнинг ичига жойлашган генератор. Катталиги ташриф картқосидек келадиган масофадан бошқариш нульти. Фирма дўконлари: ТОО Ко. Лтд. Тошкент, Амир Темур кўчаси, 110 (3712) 34-02-58 35-09-86; Кафолат Файз Тошкент, Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори (3712) 42-29-89; Кафолат Файз Тошкент, Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. (3712) 41-46-38; Отахон Фарғона, Ал-Фарғоний кўчаси, 20 (3732) 24-78-76; Наврўз Андижон, Мустақиллик кўчаси, 14 (37422) 43-8-60.

Эркақлар бақувват бўлиши керак. ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ. АЛЗОН. СТАМИНА. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси чўқур қайту билан Қорақалпоқ электр тармоқлари директори Тажетдин Жубанович КЕРИМЗАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда ер-дўстларига таъзия изҳор қилади. Ўзбекистон телевидениеси «Телеминистролар театри» ижодий жамоаси актёр Абдуқўлиқ Мамарасулова волидан меҳрибони ИБОДАТ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади. Ангрин шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси соғлиқни сақлаш алоҳисси, уруш ва меҳнат фахрийлиги Собиржон ИБРОҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чўқур таъзия билдиради. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш беш бошқармасига қарашли суд-тиббий экспертиза жамоаси шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи Ешмуратов Болтабий Алдиназолиевич вақсини Иудон ЕШМУРАДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайит аъзолари ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Наманган вилояти бўйича назорат - тафтиш бошқармаси бошлиғи Бахриддин Абдуллаевга отаси Фазлидин АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Халқро ҳаёт 132-11-15; Хатлар 136-55-39; Хўж ва ҳонуқчилик 136-37-85; Иқтисодий 136-36-65, 136-07-94; Маънавий 136-35-60, 132-10-65; Туни муҳаррират 133-10-28; Ўзловлар 136-09-25. Рўйхатдан ўтчи тартиби № 0001. Буюртма Г — 0594, 34.114 нусхада босилди. ҳажми — 2 тибок. Офсет усулида босилган. Қўғоз бېғими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди. С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев. Навбатчи — Ш. Қаримов. Муасхўх — Ш. Мишрабоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топшириш — 22.50 1 2 3 4 5 6